

**ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИДА
МАТНШУНОСЛИК ВА
МАНБАШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИ**

129. Худоев А.	Лингвокултурология: халқ оғзаки ижодида жанрларнинг вужудга келиши ва диффузияси.....	636
----------------	---	-----

130. Назарова Д.	Баҳо категорияси ва унинг лексик бирликлар воситасида ифодаланиши.....	640
------------------	--	-----

БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

131. Сайдалиев С.	Контекст ва матн муносабати хусусида.....	642
-------------------	---	-----

132. Сидиков Қ., Обилов Р.	Бадиий адабиётда тазод ва унинг таржима муаммолари.....	645
-------------------------------	---	-----

133. Жафаров Б.	Қадимий қўлзманинг матншунослик муаммолари.....	650
-----------------	---	-----

134. Турсунов А., Абдурахманова Д.	«Бобурнома» даги мева – сабзавот номларини немис тилида қайта яратишга оид.....	656
---------------------------------------	---	-----

135. Қурбонов Б.Ч.	“Латоифнома” – “Мажолис ун-нафоис”нинг илк таржимаси.....	660
--------------------	---	-----

136. Журабаев Б.	Die interkulturelle kommunikation im daf-unterricht.....	663
------------------	--	-----

137. Шарахметова М.	«Бобурнома»нинг урдуча таржимасида санъат аҳли вакиллариининг бадиий тасвири.....	667
---------------------	---	-----

138. Зойирова Г.	Самандар Воҳидовнинг таржимонлик маҳорати хусусида.....	672
------------------	---	-----

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИДА УСЛУБИЁТ МАСАЛАЛАРИ

139. Саидова С.	“Маҳбуб ул-қулуб”да маънавий-ахлоқий фазилятлар.....	675
-----------------	--	-----

140. Дониёров Ҳ.	“Сабаи сайёр”да лафзий санъатлар.....	678
------------------	---------------------------------------	-----

141. Mirzaboyeva N., Aslanova M.	Barkamol avlod tarbiyasida rahbar odobi masalasi (Yusuf Xos Hojibning “Qutadg’u – bilig” dostoni misolida).....	683
-------------------------------------	---	-----

142. Masharipov M.	Atoqli otlar va ularning lisoniy tahlil qilish xususiyatlari (Ogahiyning «Shohid ul-iqbol» asari misolida).....	686
--------------------	---	-----

САМАНДАР ВОҲИДОВНИНГ ТАРЖИМОНЛИК МАҲОРАТИ ХУСУСИДА

Г.Зойирова, БухДУ тадқиқотчиси

XX аср ўрталари XXІ аср биринчи чорагида яшаб ижод қилган Самандар Воҳидов Бухоро адабий муҳитининг шеърӣй меросини ҳар жиҳатдан бойитган ижодкордир. Хусусан, у буюк бобокалонимиз Ҳазрат Алишер Навоӣй ғазалларига кўркам мухаммаслар битди. Ва ўзининг “мухаммаслар гулдастасини” “Бу боғда баҳра боқийдур” номи остида мухлисларига тортиқ этди. Унинг мухаммаслари ҳақида филология фанлари доктори, профессор Охунжон Сафаров китоб сўзбошисида атрофлича фикр билдирган. Шоирнинг “... ҳазрат Навоӣй ғазалларига боғлаган тахмис-мухаммасларида асл манба тилига хос поэтик ифодавийлик унсурларини имкон қадар сақлаб қолишга интилиб, форсий ва арабий сўз ва иборалардан воз кечмаган”лигини, айрим ҳолларда “улуғ устоз яратган муболағага ҳамоҳанг тамоман янги, кутилмаган муболаға яратиб, байтдаги поэтик фикрнинг жозибали ифодаланишига еришган” лигини алоҳида таъкидлайди.

Самандар Воҳидовнинг, айниқса, таржимонлик соҳасида амалга оширган ижодий ишлари эътирофга лойиқдир. У Бухоро заминида яшаб ижод қилган ўттиз нафар мумтоз ижодкорларнинг форс-тожик тилидаги шеърӣй намуналарини ўзбек тилига таржима қилди. Унинг “Бухорийлар бўстони” китоби айни шу йўналишдаги ишларини ўзида мужассам етган. Бу китобни Рудакийдан тортиб Садриддин Айнийгача бўлган бухоролик шоирларнинг нафақат ижоди, балки, муайян давр ижтимоӣй муҳити ҳақида ҳам маълумот бера оладиган қимматли манба сифатида қайд етиш мумкин.

Шоирнинг дostonлари, ўнлаб шеърӣй тўпламларидаги бадий топилмалари унинг бошқалар ешита олмайдиган оҳангларни бутун руҳияти билан ҳис қила оладиган, тинглай оладиган ижодкор эканлигини ҳам кўрсатди. Унинг шеърӣятига баҳо бериш, муносабат билдириш шоир ҳаётлигидаёқ бошланган эди. Бухоро шеършунослари ўз диёрининг қалами ўткир бу шоирининг ҳар бир сатрини мароқ билан кузатди, ўқиди, мағзини чақишга тутинди. Мана шундай масъулиятли вазифани

биринчилардан бўлиб, филология фанлари доктори, профессор Раҳим Воҳидов амалга оширган. У ўзининг “Бир носир-у уч шоир ҳақида топганларим” номли мажмуасида Бухоро адабиётининг Музаффар Турсун, Тошпўлат Аҳмад, Садриддин Салим Бухорий номли вакиллари билан бир қаторда Самандар Воҳидов ижоди ҳақида ҳам мушоҳадалар юритган. Самандар Воҳидовнинг бадиий топилмаларини ҳақида еҳтиром ва еҳтирос ила сўз юритиб, шеърият ихлосмандлари нигоҳида уларни қайта кашф этди. Мажмуада Самандар Воҳидовнинг “Сунбула” шеърий тўпламидаги энг сара шеърлари “Шу Ватан омон бўлса бас...”, “Шеърларда нақшланган хотиралар...”, “Ишқ – шеър жавҳари”, “Ғазал бўстони – гўзал чаман...” сарлавҳалари остида таҳлилга тортилган. Р.Воҳидов шоирнинг мутаржимлик борасидаги изланишларини юксак баҳолаб “Шарқнинг забардаст мумтоз ижодкорлари мактабида қаламини чархлаган, уларнинг маҳорат бобидаги тажрибасидан сабоқ олган шоирнинг ўзи ҳам бугун маҳоратли ғазалнавис мақомига кўтарилиб, гўзал шеърлар ижод этаётганлигини” таъкидлайди.

Самандар Воҳидов шеъриятда гўё бир маромда, камтарона, хотиржамлик билан қалам тебратгандек таассурот уйғотади. Бироқ унинг дил қонидан ранг олган сатрлари билан яқиндан танишиб борар экансиз, Ватан, халқ равнақи учун қуюнаётганлигини, баъзан инсонларнинг номаъкул хатти-ҳаракатларидан аламзада бўлаётганлигини, баъзан соғинч ҳиссидан азобланаётганлигини англайсиз. Шоир ижодида энг қуюқ кўзга ташланадиган жиҳат эса, Бани Одам сифатида зиммасидаги эзгу ишларни тугал бажаришга ошиқаётганлиги, умрини мақсадсиз бесамар кетказмаслик учун тиним билмаётган, ҳаётдан қониб яшашга уринаётган инсон қиёфасидир. Қайси мавзуда шеър ёзган бўлмасин, худди мана шу ҳис билан қоғозга битгандек гўё.

Ўлжасини тақсимлашга кечиккан
Овчи каби шошар умр хансираб.
Улгурмаса - ов завқи бир пул екан,
Йиртқичга ем – йўл йўқоца тентираб.
Улгурай деб шошиламан жонсарак,
Мен тинмаслигим керак.

Ўлжасини тақсимлашга кечикаётган овчидай, умр ҳам атаганларини бизга тортиқ етмоқ учун тез ўтмоқда. Инсон умри озми, кўпми буни билолмайди. Оз бўлса, қўлга киритганлари бир

пул. Умри кўп бўлса-ю, йўлдан адашса. Унда ўлжа унинг ўзидир. Шоир мана шу эҳтимолларга йенгилмаслик учун жонсарақ яшашга ундайди.

Ўзлигинг унутма, ботқоқмас, -

Тоғларда туғилдинг шарқирок.

Ушбу мисралардан яратиклар ичида энг буюк хилқат – инсон қилиб яратилган экансан, шунга муносиб, эътиқодда адашмай яшаш зарур, деган хулосани англаш қийин эмас. Содда қилиб айтганда, шалола шоирнинг қалби, бутун руҳий дунёси, елиб бораётган ҳислари, ором билмас юраги рамзидир.

Самандар Воҳидов ўз руҳий изтиробларини теранлик ва маҳорат билан қоғозга тушира оладиган ижодкорлардандир. Шоир шеърятининг бадиияти шу қадар сержилоки, уларни шеършунослик мезонлари асосида таҳлил этиш ва кенг китобхонлар оммасига тақдим этиш бугунги муҳим вазифалардан саналади. Шоир ижодининг ҳар бир қирраси, айниқса, таржимонлик фаолияти шундай эътибор талаб қилади.

Адабиётлар:

1. Воҳидов С. Айланадир бу дунё .-Бухоро,2003.
2. Воҳидов С. Орзунинг осмони кенг.- Бухоро,2006.
3. Воҳидов С. Бу боғда баҳра боқийдур.- Бухоро,2011.
4. Воҳидов Р. Бир носир-у уч шоир ҳақида топганларим.- Бухоро,2003.
5. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят.- Т.,2015.